



# ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ КРЕДИТ-МОДУЛЬ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН  
ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ  
ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА  
ИЛФОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

# ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ КРЕДИТ-МОДУЛЬ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ

*Методик қўлланма*



ТОШКЕНТ  
2023

**УЎК: 378.026**

**КБК: 74.5**

**Э - 86**

**Эсанов, М.**

Олий таълимни кредит-модуль асосида ташкил этиш методикаси [Матн] : методик қўлланма / М. Эсанов . – Тошкент: "Sano-Standart", 2023. – 28 б.

ISBN 978-9943-7215-1-7

Уибу методик қўлланма кредит-модуль асосида таълим жараёнини ташкил қилиш, талабалар таълим траекториясини шакллантириш ва ўқув режа ҳамда модулларни ишилаб чиқишида кафедра мудирлари, деканлар, профессор-ўқитувчилар ва талабаларга мўлжалланган.

**Таҳрир ҳайъати:**

Ш.Якубов, Т.Аҳмедов, Л.Зарипов,  
А.Эшмуродов, С.Мусамедов, А.Сабиров

**УЎК: 378.026**

**КБК: 74.5**

Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашималар фаолиятини Мувофиқлаштируечи кенгашининг 2022 йил 29 октябрдаги 6-сонли йигилиш баёни ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирийининг 2022 йил 25 ноябрдаги 388-сонли бўйрги билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-7215-1-7

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази, 2023 й.

## КИРИШ

Республикамизда кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини тизимли ривожлантириш, илғор хорижий тажрибаларни жорий қилган ҳолда, замонавий таълим дастурларини ишлаб чиқиши, юқори малакали профессионал кадрлар тайёрлашни янги босқичга кўтариш ҳамда соҳада таълим, илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш масаласига ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон олий таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида миллий малака рамкасининг жорий этилиши олий маълумотли кадрлар тайёрлашда янги даврни бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли фармонига мувофиқ, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июнданги 357-сонли бўйруғига асосан 2020/2021-ўқув йилидан республика олий таълим муассасалари кредит-модуль тизимига ўтди.

Бугунги кундаги ислоҳотлар, ўқув-меъёрий ҳужжатларнинг янги авлодини яратиш, талабанинг меҳнат интенсивлигини ҳисобга олиш, битирувчиларнинг академик ва касбий мослашувчалигини ривожлантириш, билимларни ўзлаштиришнинг интенсив усусларини қўллашда кредит-модуль тизимини жорий этишни ўз ичига олади.

Олий таълим тизимидағи ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида яратилган ушбу методик қўлланмада берилган тавсиялар олий таълим муассасаларининг кредит-модуль тизимининг амалиётга татбиқ этилишида амалий ёрдам характеристига эга бўлади.

Қўлланмада кредитлардан фойдаланиш бўйича миллий ва халқаро тажрибалар, анъанавий ўқитиш ҳажмини кредит стандартларига мослаштириш усуслари таҳлил қилинади, умумлаштирилади ва хulosалар берилади.

Қўлланма 6 қисмдан иборат бўлиб, унда кредит-модуль тизимининг аҳамияти, таълим жараёнини ташкил этиш ва ўқув натижаларини баҳолаш, кредит-модуль тизимига ўтган олий таълим муассасаларининг кредит тизимидағи фойдаланиш тажрибалари ҳамда профессор-ўқитувчи томонидан кредитни беришга доир тавсиялар келтирилади.

Шуни таъкидлаш керакки, кредит-модуль тизимининг жорий этилиши профессор-ўқитувчиларнинг меҳнати ва ўқув жараёнининг интенсивлигини сезиларли даражада яхшилайди ва олий таълимнинг халқаро алмашинувлар учун шаффоғлигини оширади. Бироқ кредит тизимида



үтиш маълум бир муддатни талаб қиласди, чунки кредитлар тўплаш тизими барча турдаги ўқув жараёни, шу жумладан, аудитория юкини, амалий машғулотларни, лаборатория ва илмий тадқиқот ишларини, турли сертификатланадиган жараёнларни қамраб олиши керак. Шунинг учун ҳам таълим тараққиётининг маълум бир даври учун мўлжалланган ушбу тавсиялар таълим жараёнида босқичма-босқич амалга оширилиши, ўзгартирилиши ва такомиллаштирилиши мумкин.

## АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

**Академик даражасы** – таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича таълим дастурлари асосида бериладиган олий маълумотнинг малака даражаси.

**Кредит** – таълим дастури ҳамда талабанинг ўқув юкламаси меҳнат интенсивлиги ҳажмининг ўлчов бирлиги.

**Кредит бирлиги** – талаба юкламаси ҳисобланиб, аудитория (маъруза, амалий ва семинар машғулотлари), мустақил иш, курс иши ва битирув малакавий иши (магистрлик диссертацияси) тайёрлаш ва ҳимоя қилиш учун берилади.

**Таълим сифати** – таълимнинг кенг қамровли ҳусусияти, унинг таълим стандартларига мувофиқлик даражасини белгиловчи талаблар мажмуаси.

**Малака** – касбий фаолиятнинг маълум бир тури ёки муайян дастур бўйича касбий тайёргарлик даражаси.

**Компетенция** – касбий фаолият учун умумий бўлган муаммоларни ҳал этишда мавжуд билим, кўникма ва малакалар.

**Кредит-модулли тизим** – модулли ўқув технологиялари ва ECTS кредитлари бирлигига асосланган, талаба иш ҳажмининг ўлчов бирликлари асосида ўқув жараёнини ташкил этиш модели.

“Кредит” тушунчаси ўқув жараёнида ўқув-услубий ва касбий тайёргарликни баҳолашнинг миқдорий ҳусусиятини англатади. Кредит-модуль тизимида ўқув юкламаси асосида кредитларни тўплаб бориш тизими ва ўқув дастурининг асосий мақсадларига эришиш учун зарур бўлган юклама ҳажми аҳамиятли саналади. Бунда ўқув натижалари ва компетенциялар бўйича топшириқлар аниқ бўлиши мақсадга мувофиқ.

**Модуль** – таълим дастурини ишлаб чиқишининг истиқболлари ва режалаштирилган натижалари билан боғлиқ маълум бир мантиқий якунга эга бўлган таълим дастурининг таркибий қисми.

**Таълим траекторияси** – бир касбий соҳадаги турли даражаси таълим дастурлари тўплами.

**Таълим йўналиши (профили)** – таълим дастурининг мақсадли йўналтирилиши, унинг субъект-тематик мазмуни ва таълим фаолиятининг тури.

**Ўқув жараёни** – таълим ва тарбия жараёнини мақсадли ташкил этиш, таълим фаолияти субъекти томонидан ташкил этилган таълим дастурини амалга ошириш жараёни.

**Талаба** – таълим фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотга белгиланган тартибда ўқишига кирган ва таълим дастурини ўзлаштираётган шахс.



**Таълим** – билимлар, кўникмалар, компетенция ва малакаларни ривожлантириш бўйича талабалар фаолиятини мақсадли ташкил этиш жараёни.

**Касбий фаолият обьекти** – таъсир кўрсатадиган тизимлар, обьектлар, ҳодисалар, жараёнлар.

**Амалиёт** – касбий фаолият билан боғлиқ айрим фаолият турларини бажариш жараёнида амалий кўникма ва компетенцияларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришга қаратилган ўқув фаолияти тури (шакли).

**Таълим дастури** – таълим мазмуни ва ҳажмини ишлаб чиқишни, режалаштирилган натижаларни ва таълим жараёни шароитларига қўйиладиган талабларни белгилайдиган ўқув-услубий ҳужжатлар, малака ошириш курслари, фанлар ҳамда модуллар.

**Таълим даражаси** – касбий стандартларда белгиланган асосий талаблар бўйича маълум бир босқич ва тугалланган даражанинг даврий кўрсаткичи.

**Ўқув дастури** – илмий ва касбий фаолиятнинг тегишли йўналиши бўйича билим, кўникма ва компетенциялар шаклланишини таъминлайдиган асосий фанлар (модуллар) тўплами.

## КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ

Академик кредитлар илк маротаба XVIII аср охири – XIX аср бошларида АҚШ университетларида жорий этила бошланган. Таълим мазмуни ва дастурларнинг кредитларда ташкил этилиши таълим жараёнини мустақил режалаштириш, мониторинг ва баҳолаш тизимларида туб ўзгаришлар киритиш имкониятини берди ҳамда таълим технологияларини такомиллаштириш учун кенг шароит яратди.

**ESCT** (European Credit Transfer System) 1989 йилда Эрасмус дастури доирасида жорий этилган бўлиб, Socrat дастурининг бир қисми ҳисобланади. Европа кредит тизими муваффақиятли синовдан ўтиб, айни пайтда бутун Европа олий таълим муассасалари ECTS тизимидан фойдаланмоқда.

Дастлаб, **ECTS** талабаларни бир олий таълим муассасасидан бошқасига ўтказиша кредитларни ҳисоблаш ва ўтказиш учун фойдаланилган. Ушбу тизим бошқа олий таълим муассасаларининг тан олинишига ёрдам берган ва шу тариқа Европа олий таълим муассасаларида сифатнинг ошишига, талабалар мобиллиги миқёсининг кенгайишига олиб келган. Кредит тизимининг аҳамияти ошиб бориши натижасида 1999 йил июнда имзоланган Болонья декларациясининг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида минтақавий, миллий ва Европа даражасидаги тизимга айланди.

Болонья декларациясида ECTS тавсиявий характерга эга тизим сифатида амалиётга киритилган бўлса-да, кейинчалик бутун Европа олий таълим тизимида оммалашади. ECTS тизими бугунги кунда Европа ҳудудида амал қилаётган асосий тизимлардан бири ҳисобланиб, олий



таълимнинг меъёрий ҳужжатларини яратишда асос бўлиб хизмат қилмоқда.


ECTS тизимидан фойдаланиш натижасида қўйидаги афзаликларга эга эканлиги намоён бўлди:

- олий таълим мұассасалари ўртасида соддалашган малаканинг тан олиниши;
- талаба юкламасининг бажарилишидаги шаффоффлик;
- олий таълим тизимидағи ислоҳотларга мослашувчанлиги;
- Таълим траекториясида ўқув дастурларини ўзлаштиришнинг мослашувчан имкониятининг кенглиги.

ECTS тизими ўқув дастурларини ўзлаштиришни осонлаштириб, барча турдаги дастурлар учун қулай ҳисобланади. ECTS давлатлар ўртасида, шунингдек, турли университетлар ўртасида академик мобиллик учун кенг шароит яратади. Бундан ташқари, тизим ўз-ўзини ўрганиш тизими ҳам ҳисобланади. Шунинг учун ҳам "ECTS" сўзи ёйик ҳолатда "Европа кредитини олиб ўтиш ва йиғиш тизими" деган маънони англатади.

Европа кредитларни ўtkазиш ва тўплаш тизимининг асосий хусусиятлари қўйидагича:

- ECTS кредитлари;
- Талабалар юкламаси;
- Ўқув кўрсаткичлари;
- ECTS баҳолаш рейтинг шкаласи.



Кредит-модуль тизими иккита асосий вазифани бажаради:  
Биринчиси – бошқа олий таълим муассасасида (ёки факультетда) тўплланган кредитлар асосида академик мобиллик ва мослашувчанлик шартлари бўйича ўқиши давом эттириш.

Иккинчиси – аккумулятив таълим. Талаба таълимни турли вақт оралиғида, университетларни ўзгартириши ва турли даврларда олиши мумкин. Агар баъзи аниқ натижаларнинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса (масалан, ушбу курснинг эскирганлиги сабабли), талаба тегишли академик даражага (бакалавр, магистр)ни олиш учун зарур бўлган миқдорни йиққунга қадар кредитлар тўпланди. Албатта, кредитни топшириш ва кредитларни тўплаш имконияти университетлар ўртасидаги ишонч ва ўқув дастурларининг мувофиқлигига боғлиқ.

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Кундузги ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соат қилиб белгиланади. Бир кредит 30 академик соатга тенг деб қабул қилинади. Аудитория ва мустақил таълим юкламаси ҳажми 50/50 нисбатни ташкил этади. Талаба ҳар семестрда 30 кредит ва 8 семестр давомида жами 240 кредит тўплайди.

Ўқишининг меъёрий муддати 4 йил бўлганда, ўқув жараёни 120 ҳафтани ташкил этиши, ўқув йилининг меъёрий муддати 1 йил бўлганда, ўқув жараёни 30 ҳафтани ташкил этиши зарур. Ушбу ўқишининг меъёрий муддатлари таълимнинг барча шакллари (кундузги, кечки, сиртқи)га тааллуқлидир:

Ўқишининг меъёрий муддати:

| Ўқув даврлари                             | Кундузги таълим шакли учун* | Кечки таълим шакли учун* | Сиртқи таълим шакли учун* |
|-------------------------------------------|-----------------------------|--------------------------|---------------------------|
| Назарий таълим ва илмий фаолият*          | 40-60%                      | 40-60%                   | 40-60%                    |
| Узлуксиз мустақил таълим ва илмий фаолият | 40:60% дан<br>50:50% гача   | 40:60%                   | 20:80%                    |
| Таътил                                    | 10-30%                      | 10-30%                   | 10-30%                    |
| Илмий амалиёт (стажировка)                | 15-25%                      | 15-30%                   | 15-30%                    |

*Күйіда таълим дастурларынинг методологиясы көлтирилген.*

## **Олий касбий таълим дастурлари юкламасининг кредит бирликларида ифодаланиши**

Олий касбий таълим дастурларини кредит бирликлари ифодалашда құйидагилардан келиб чиқылади:

1. Бир кредит умумий юкламада 30 академик соатта түрі келади ва давомийлиги 40 дақықаны ташкил қылади.

2. Талабанинг ҳаftалик максимал юкламаси 54 академик соаттагачаны ташкил этади ва бу 1,8 кредит бирлигіда ифодаланади.

3. Фанларга кредитларни беришда үқув соатларининг белгиланған қоидаларға мұвоғиқ, ҳаftалик 30 соат ҳажмида амалға оширилиши таъминланади. Кредитларни беришда фанлар, курс лойиҳалари ва бошқа бағоланадиган ишлар ҳисобға олинади.

4. Амалиёттінг бир ҳаftаси 1,8 кредитта ифодаланади.

5. Бир семестрдаги синов 1 кредит бирликда (3 кун синовға тайёргарлік ва 1 кун имтихон учун) ифодаланади.

6. Таълим стандартларында мұвоғиқ амалға ошириладиган таълим дастурларыда кредитларни беришда оралиқ аттестациялар ҳам инобатта олинади ва ажратылған кредитлар фан миқёсіда белгиланади.

7. Якуний аттестацияларға кредит беришда ҳаftалик юклама ҳисобидан келиб чиқып берилади. Бунда 1 ҳаftа 1,8 кредитта мұвоғиқ бўлади.

Ушбу кредит бирликларини ҳисоблаш методикаси асосида:

1 кредит = 27 астрономик соат = 30 академик соат давомийлиги 40 дақықаны ташкил қылади;

1 ҳаftа (амалиёт ёки бошқа үқув ишлари) = 54 академик соат = 1,8 кредитни ташкил қылади;

Худди шу шаклда якуний аттестациянинг меҳнат интенсивлиги ҳисоблаб чиқылади:

1 ҳаftа 1,8 кредит бирлигига түрі келади;

үқув йили – 30 ҳаftа, яъни 60 кредитни ташкил қылади;

Сессиялар кредитларда ифодаланади. Яъни 1 семестрдаги 1 та синов 1 кредит курси бирлигига ифодаланади.

Олий таълимда кредит-модуль тизимидан фойдаланиш таълим жағаёнини самарали ташкил этиш имкониятини беради:

– үқув жараёнини индивидуал мақсадлар ташкил этиш, талабаларга индивидуал үқув режаларини тузиш, фанларни ўзлаштириш кетма-

кетлигини эркин аниқлаш, семестрда ўқув машғулотлар жадвалини мустақил тузиш имкониятини яратади;

- талабаларнинг ўқув-тарбиявий фаолияти натижаларини баҳолашнинг балли-рейтинг тизимини рағбатлантириди;

- таълим мазмуни ўқув режа, дастур ва стандартларни шакллантириш ва уларнинг узлуксиз ривожланишини таъминлайди;

- профессор-ўқитувчиларга академик эркинлик бериш, шу жумладан, ўқитиш методикасини эркин танлаш ҳуқуқи;

- таълим харажатлари ҳажмини ва профессор-ўқитувчилар иш ҳажмининг иқтисодий самарадорлигини оширади;

- муассасанинг таълим структураларини даромадлари ва сарф-харажатлари бюджетини шакллантиришда ёрдам беради.

Кредит-модуль тизимини характерловчи хусусиятлари индивидуал-мақсадли ўқув жараёнини ташкил этиш ва педагогик бошқарувнинг илгор тамойиллари асосида таълим жараёнини баҳолашнинг балли-рейтинг тизими асосида ташкил этилишини таъминлайди.

## КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ ТАЛАБАНИНГ ФАОЛЛИГИ ВА МОБИЛЛИК ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Европа таълим услуби талабаларнинг нафақат таълим обьекти сифатида, балки таълим тизимига бевосита таъсир кўрсатувчи инсонлар сифатида ҳам ўқиш жараёнидаги юқори фаоллигини кўзда тутади. Бу, бир томондан, талабанинг юқори даражада ўз-ўзини англашини талаб этади, иккинчи томондан эса талаба ва ўқитувчи ўртасидаги муносабатларни ўзгартириш зарурлигини тақозо этади.

Талаба фандан-фанга олдиндан белгиланган траектория (ҳамма учун бир хил бўлган умумий ўқув режа асосида) бўйлаб ҳаракат қиладиган ва конвеер сифатида тасаввур қиласа бўладиган анъанавий таълим тизимидан фарқли ўлароқ, кредит-модуль тизимида мажбурий фанлардан ташқари турли хил модулларни йиғишига, яъни индивидуал ўқув режасини шакллантиришига имкон беради. Шу тариқа талабада индивидуал эҳтиёжларга йўналтирилган ўз таълим йўналиши шаклланади. Ўқиш жараёнида ҳар бир талаба кредитлар тўплайди, улар талаба фаолиятининг ўлчови ҳисобланади. Шу билан бирга, мазкур тизим лойиҳавий ўқиш шакли – долзарб мавзулар бўйича индивидуал ёки гурӯхли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ҳимоя қилишни ҳам кўзда тутади.

Ушбу тизимнинг бошқа афзаллilikлари қўйидагилардан иборат:

- бир вақтда ўрганиладиган фанлар сонининг оптимальлиги;



- педагогик жараённинг индивидуал режалаштирилиши;
- талабаларнинг ижодий қобилиялари очиб берилиши ҳамда амалий йўналганилиги.

Замонавий шароитларда ушбу тизим мобилликни таъминлайди ва билимга эга мутахассисларни ўқитишга имкон беради.

## **КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Кредит-модуль шароитида олий таълим муассасаларида “модуль” тушунчасини мазмун билан тўлдиришда муаммолар пайдо бўлмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, модулларни шакллантириш учун асосий фанларни аниқлашда қийинчиликлар туғилмоқда.

Модуль тушунчасини изоҳлашда икки хил ёндашувдан фойдаланилади:

- 1) модуллар – мазмун ва тематик шаклда ташкил қилинади;
- 2) модуллар – ташкилий, тузилмавий талаблар тамоилига кўра шакллантирилади.

Биринчи ёндашувда модуль деганда таълим дастури доирасида муайян ўзаро боғланган яхлитликни ташкил этадиган фанлар блоки тушунилиб, у дастурнинг умумий тузилмаси ичидаги мантиқий қуий тузилма сифатида қаралади. Таълим модули мустақил бўлиб, ўқув фанлари тўпламини ифода этувчи, йўналиш бўйича ўқув режасининг бирлиги сифатида талқин қилинади.

Модулга берилган иккинчи ёндашувда унинг дидактик мақсадлар,

ўқув материалининг мантиқан якунланган бирлиги, уни ўзлаштириш учун үслубий қўлланма ва назорат тизимини ўз ичига олган ўқув фани таркибидаги нисбатан мустақил ташкилий-үслубий мажмуя тушунилади. Бунда модуль фаннинг ўқув-үслубий мажмумини ҳосил қиласди. Республикасида “модуль” атамаси кўпинча ўқув фанининг мажмуаси сифатида тушунилмоқда. Илғор олий таълим муассасаларининг тажрибасига кўра, модуль курснинг бир қисми, масалан, фаннинг тақвимий муддатларга бўлинган мантиқан якунланган қисми сифатида ҳам тушунилади.

Ҳар бир модулни ўзлаштириш, яъни унда белгиланган вазифаларни бажариш фанни ўрганиш натижасида қўйиладиган якуний баҳонинг бир қисмини ташкил этади ва бу жиҳатдан модулли тамоийл рейтингга ўхшайди. Европа ОТМларида ҳар бир курс якунларига кўра қўйиладиган умумий балл, одатда, тўпланма эфектга эга бўлган бир нечта компонентлардан таркиб топган бўлади. Масалан, умумий баҳонинг 30 фоизи талабанинг маъруза ва семинарлардаги академик фаоллиги, 30 фоизи оралиқ синов (берилган мавзу бўйича эссе, мустақил таълим, тест шаклида оралиқ назорат ва ҳ.к.) натижалари, қолган 40 фоизи эса имтиҳон баҳосига боғлик бўлиши мумкин. Кўп дарслар (машғулотлар)ни ўтказиб юборган, оралиқ назоратдан муваффақиятли ўта олмаган талаба фақатгина имтиҳондаги қониқарли баҳога умид қилиши мумкин. Ва аксинча, жорий вазифаларни бажариш давомида фаоллик кўрсатадиган, юқори рейтинг тўплаган талаба, ҳатто имтиҳонда бутунлай қониқарсиз жавоб берган тақдирда ҳам, юқори якуний баҳо олиши мумкин.

Бироқ бундай ёндашув модулнинг таълим дастуридаги бошқа фанларга нисбатан талабанинг ўзлаштириш кўрсаткичини ҳисобга олмайди. Ҳар бир модуль мустақил ҳисобланади.

Кредит-модуль тизимда Ҳар бир модуль таълим дастурининг тугалланган сегменти бўлиши керак, талаба томонидан баъзи бир компетенциялар тўпламининг эгалланиши эса уни ўзлаштириш натижаси ҳисобланади. Ушбу компетенциялар мажбурий тартибда текширилиши ва баҳоланиши керак. Албатта, компетенциялар жуда узоқ вақт (камидан бир семестр ва эҳтимол, бир неча семестр) давомида шаклланади. Семестр ичида нисбатан тугалланган қисмларни баҳолаш учун модуль эмас, балки “бўлим”, “кичик бўлим”, “мавзу” тушунчалари фойдалироқ бўлади. Модуль ўқув курсининг алоҳида қисми, маъруза ва семинар машғулотларида ўзлаштирилган бир нечта ўқув мавзуларини бирлаштирувчи мавзувий блок сифатида тушунилиши мумкин.

Европа ОТМларида таълим дастури бошқача тузилишга эга: битта модуль доирасида умумий мақомидан қатъи назар, тематик жиҳатдан

бир-бирига яқын бўлган фанлар бирлаштирилади. Модуль тузилишининг асосий тамоили оддийдан мураккабга, методологик фанлардан амалий фанларга кўтарилишdir. Шунинг учун модуль таркибида “умумкасбий” фанлар ҳам, “касбий” фанлар ва ҳоказолар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Ўқув модули доирасида фундаментал фанлар ҳам, амалий фанлар ҳам уйғун бир бутунликка бирлаштирилади. Масалан, Германияда модуль деганда таълим даражасини ўзлаштириш йўналишларидан бири, курснинг эмас, балки таълим дастурининг алоҳида қисми тушунилади. Модулли тизимнинг муҳим хусусияти унинг талабалар амалиётига, шу жумладан, тадқиқотларга йўналтирилганлигидir. Модуль талабага концептуал билим ва амалий кўнкималарни бирлаштирган ҳолда, бир йўналишдан иккинчисига, бир даражадан иккинчисига тез ва самарали ўтишга имкон беради. Шунинг учун магистратура босқичида ўқув жараёнини модулли ташкил этиш магистрантнинг индивидуал дастури (унинг магистрлик диссертацияси мавзуси) билан мувофиқлаштирилган бўлишини тақозо қиласди.

Европа олий таълим доирасида бир нечта курслар (фанлар) модуль деб номланади. Модуль муайян фан соҳаси ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қиласди ва талаба ушбу модулни ўзлаштириб бўлганидан сўнг намойиш қилиши керак бўлган муайян компетенциялар даражасини кўрсатишга имкон беради. Модуль мавзу билан эмас, балки талабанинг таълим натижасига эришиши билан белгиланади. Бир семестрда модуллар сони талаба семестр давомида қандай натижаларга эришиши кераклигига қараб белгиланади.



Ўқув жараёнини ташкил этишнинг кредит-модуль тизими қуийдаги вазифаларнинг ижобий ҳал этилишини таъминлашга қаратилган:

- ҳар бир модулнинг ўзлаштирилишини текширган ҳолда, ўқув материалини модулларга бўлиш;
- билимларни баҳолаш шкаласидан фойдаланиш;
- билимларни баҳолашнинг объективлигини ошириш;
- семестр давомида талабаларнинг тизимли мустақил ишларини рафбатлантириш;
- ўқишида соғлом рақобатни жорий этиш.

ECTS (Европа кредитларни ўтказиш ва тўплаш тизими)га кўра, Европа ОТМларида ўқув йили ўртacha 40 ҳафта давом этади (Ўзбекистон ОТМларида 30 ҳафта). Талабанинг бир йилда ўқув юкламасининг умумий юкламаси 60 кредиттага тенглаштирилган. Шундан келиб чиқиб, талаба бир семестрда 30 кредит йиғиши лозим.

Республика ОТМларида “кредит бирлиги” ва ички “академик соатлар” тизими ўртасида бир нечта тафовутлар мавжуд. Биринчидан, барча ОТМларда ўқув режалар бир хил эмас, балки реал ўқув режалари олинадиган бўлса, академик соат умумий юкламани эмас, балки аудитория юкламасини ўз ичига олади. Иккинчидан, ҳар бир кредит бирлиги ортида вақт сарфи эмас, балки ўзлаштирилган билим ва эгалланган компетенциялар туради.

Кредит-модуль тизимида талаба маълум бир давр мобайнида диплом олиш учун кредит тўплаши мумкин. Кредитларнинг тўпланиши тала-бага бутун ҳаёти давомида малака оширишга, қўшимча олий маълумот олишга имкон беради. Кредитларни талаба ўқиш даврида йиғиб боради ва кредитлар йўқолмайди. Агар талаба бирор бир сабаб билан ОТМдан четлатилса ҳам, тўплаган кредитларни кейинчалик ўқиши давом эттиришда фойдаланиши мумкин, шунингдек, улар қайта ҳисобга олиниши ҳам мумкин. Бунда талабага иккинчи олий маълумот олиши анча осонлашади. Муайян шароитларда кредитлар талабабининг мутахассислик бўйича иш тажрибасини олий таълимнинг компоненти сифатида ҳисобга олишга имкон беради.

Кредит-модуль тизимида кредитларни ҳисоблаш тажрибаси ушбу ёндашувларни такомиллаштириб боришни тақозо қиласди. Бу кредит тизими ўқув юкламасининг ҳажми, курсни ёки ўқув дастурини ўзлаштириш учун сарфланган вақт меъёрини белгилаш учун зарурдир.

Талабанинг ўқув жараёнидаги фаолиятида фан, унинг мураккаблиги, ихтисослашуви ва бошқа юкламаларни ҳисобга олади.

Ўқув юкламаларини қўйидагича тақсимлаш тавсия этилади:

- аудитория юкламаси, у ўқув ҳажмининг тахминан 50 фоизини ташкил қиласди;
- талабанинг мустақил таълимининг умумий ҳажмининг 50 фоизи бўлиши керак;
- курс бўйича тавсия этилган адабиётларни ўқиш ва конспектлар тайёрлаш 20 фоиз;
- ёзма ишларни бажариш 20 фоиз;
- синовларга тайёргарлик кўриш 10 фоиз.

Амалда, кредитларни ҳисоблашда битта синов кредитининг аудитория юкламасининг соатлар сонига нисбати олий таълим муассасаларида турлича, жумладан, 1:18 дан 1:6 гачани ташкил қиласди. Бу юкламани кредитларга ўтказишига механик ёндашув пайтида юзага келадиган муаммолар сақланиб қолмоқда. Кафедралар фаолиятида номутахассислик фанларига катта соатларнинг берилиши, ихтисослик фанларига эса кам микдорда кредитлар берилиши кузатилмоқда. Бу эса талabalар томонидан олинган билимнинг кредит меъёrlари билан ўзаро боғланишига имкон бермайди. Номутахассислик фанлар учун кредитлар (соатлар) сонини камайтириш, талabalарнинг рефератлар, курс ишлари ва бир вақтнинг ўзида катта ҳажмдаги қўшимча адабиётларни ўрганиб чиқадиган маҳсус фанлар ва модуллар учун соатлар сонини кўпайтириш лозим.

Шунингдек, юклама сифатида кредитлар сони фан (ўқув модули) мазмунининг характеристи ва талабанинг бўлажак касбий фаолияти учун аҳамияти даражасини белгилаши керак.

Шу билан бирга, кредит-модуль тизими ўзининг афзалликларига эга бўлиб, диплом олгандан кейинги таълим дастурларини қўшиб ҳисоблаганда, бир ўқув дастуридан иккинчисига ўтиш даврида талabalарнинг мобиллигини оширишига хизмат қилиши лозим. Кредитларни тўлаш тизими талабанинг нафақат ўқув юкламасини, балки унинг барча ютуқларини, илмий тадқиқотлар, анжуманлар, фан олимпиадалари ва бошқа тадбирлардаги иштирокини ҳам ҳисобга олиши лозим.

Таълим дастурини шакллантиришнинг модулли тамойилидан фойдаланиб, ОТМ компонентидаги “аҳамиятсиз фанлар”дан халос бўлиш мумкин. Модуллар ихтисослик тамойилига мувофиқ (одатда улар шакллантирадиган компетенцияларга қараб – умуммиллий, воситавий, коммуникатив ва б.) бирлаштирилган бир нечта курсларни ўз ичига олиши мумкин. Ўқув дастурининг бўлиниши ва қисман “яхлитлов” муаммосини ҳал қиласган ҳолда, синов бирликлари қўшилган тарзда ҳам шакллантирилади.

Синов бирликларининг роли академик юкламани академик соатга нисбатан каттароқ бирликларда баҳолаш орқали таълим жараёнида фойдаланишда кенгроқ мақсадни кўзлаши лозим. Синов бирликлари:

– мазкур ўқув фани учун турли хил машғулотлар: маъruzалар, семинарлар, лабораториялар ва бошқаларнинг нисбий аҳамиятини ҳисобга олиши;

– талаба томонидан ўрганилаётган маълум бир фаннинг аҳамияти ва унинг маълум бир ўқиши даври охирида оладиган ўртача баллга нисбатан ҳиссасини белгилаши;

– талабаларни ўқиши натижаларига қараб тартиблиш ва уларнинг ҳар бирининг индивидуал рейтингини аниқлаш имконини беради.

Кредитларда ифодаланган ўқув модулининг юкламаси бевосита академик соатлардаги эквивалентга эга эмас, балки ушбу фаннинг бутун таълим дастури доирасидаги юкламасини кўрсатади. Йиллик ўқув режасининг барча фанларнинг умумий ҳажми 60 кредит бирлигига тенглаштирилади, сўнгра ҳар бир фан учун ўқув вақтининг йиллик соатлари ҳажмига қараб тақсимланади. Мазкур усул россиялик олимлар Б.А.Сазонов (Таълимни ривожлантириш федерал институти), Н.И.Максимов (Н.А.Косигин номидаги МДТУ) ва Е.В.Караваева (М.В.Ломоносов номидаги МДУ) томонидан ишлаб чиқилган.

Кредитлар ўқув дастурининг барча компонентлари (фанга оид модуллар, амалиёт, илмий тадқиқот ишлари, битирув малакавий иши, диссертация иши ва бошқалар)га белгиланади. Улар тўлиқ ўқув йилини муваффақиятли якунлаш учун зарур бўлган умумий иш ҳажмига нисбатан талаба томонидан таълим натижаларига эришиш учун зарур бўлган иш ҳажмини акс эттиради. Талабанинг ҳафталик ўқув юкламаси максимал миқдори 54 академик соатдан ошмаслиги ва ҳафталик юклама (1 кредит 36 соат бўлганда) 1,5 кредит бирлигига бўлиши белгиланган.

Ҳар бир мутахассислик учун касбий тайёргарликни чуқурлаштирадиган фанларга касбий компетенцияларни шакллантиришига йўналтирилмаган умумназарий характерга эга фанларга нисбатан кўпроқ кредит берилиши лозим. Табиийки, фан қанчалик аҳамиятли бўлса, у талаба учун бажариладиган ўқув юкламаси хилма-хил ва янада самарали бўлишини таъминлаши лозим.

1. Фанларнинг умумий юкламаси, шу жумладан, академик амалиёт, якуний аттестация, тўрт йиллик бакалавр талабасининг мустақил иши 240 к.б. эга.

2. Фан бўйича келтирилган қиймат, яъни ўқув режасада назарда тутмилган академик соатлар ҳажми синовлар ва амалиётлар (семестр аттестацияси

учун 1 к.б.) ҳисобидан келтириб чиқарилади. Масалан, ўқув режага кўра, тўрт йиллик дастурнинг ҳажми = 7200 академик соатни, кредитлар миқдори эса 240 ни ташкил қилиши лозим.

3. Академик соатларни кредитларга ажратишда 1 кредитга бериладиган соат миқдори камайган ҳолатларда ўқув режагаги умумий академик соатлар миқдорига ҳам таъсир қиласди. Яъни умумий ҳажми 240 кредит бўлган ўқув режасида 25 соат ҳисобидан 1 кредит берилиши мумкин. Масалан: 7200 а.с.: 240 с.б. = 30 кредит. Агар 7200 а.с.: 25 а.с.= 288 к.б. келиб чиқади. Бунда белгиланган талабдан кўпайиб кетишини инобатга олган ҳолда, кредитларни ўзгаришсиз қолдирив, белгиланадиган академик соат юкламасига нисбатан татбиқ этилади. Яъни 240 к.б.\*25 а.с.= 6000 умумий академик юклама келиб чиқади.

3. Ҳар бир фаннинг ўқув режасидаги фанларга кредит белгилашда 5 кредитдан кам бўлмаган ўқув юкламаси белгиланади. Масалан, математика (ўқув режа бўйича = 600 а.с.) = 600 а.с. : 30 к.б. = 20 к.б.

4. Ўқув режасининг барча элементлари бўйича синов бирликлари ишингидиси 240 кредит бирлигига тенг бўлиши лозим.

Ўқув режасини ташкил этувчи фанлар ёки модуллар бўйича кредитларни тақсимлашда таълим натижаларига йўналганиликдан келиб чиқиб, умумназарий характерга эга фанларга камроқ кредитлар берилиши мақсадга мувофиқ.

Ҳозирда юкламани соатдан кредиттага ўтказишнинг ишлаб чиқилаётган барча методикаларидан юқорида тавсифланган ёндашувдан кўпроқ фойдаланилмоқда. Ушбу методика йиллик ва семестр ECTS стандартларини бузмаган ҳолда (мос равишда 60 ва 30 к.б.), ҳар бир компонентнинг ўқув дастурининг яхлитлигидаги роли (тутган ўрни)ни ҳисобга олишга имкон беради ва курс бирлигининг талаба ўқишини битирганидан кейин эга бўлиши керак бўлган компетенцияларни шакллантиришдаги ролидан келиб чиқсан ҳолда, унинг кредит салмоғини аниқлашга имкон беради. Ушбу ёндашув, ўз навбатида, таълим дастурини тузишнинг модулли тамоилига мос келади. Ушбу методикалар таълим дастури – ўқув фани, битириув малакавий иши, ўқув амалиётини кредит бирликларида ифодаланган ҳажми, уларнинг соат эквивалентини эмас, балки таълим дастурининг умумий кўрсаткичига нисбатан ўзлаштириш кўрсаткичини белгилайди.



## КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИГА ЎТИШ ТАЖРИБАСИ

ECTSга кўра, кредитлар талабага фақат фан бўйича якунний назоратни муваффақиятли якунлаш натижалари (имтиҳон, синов, тест ёки якунний назорат иши ва ҳоказолар)га кўра берилади. Бунда қониқарли баҳо қиймати кредитлар сонига таъсир қўлмайди. Лекин баҳо ижобий бўлиши керак (Европа ОТМларида рейтинг тизимида "E" дан паст бўлмаган баллар қониқарли ҳисобланади). Бакалавриатнинг 3 йиллик ўқиш даврида камида 180 кредит (йилига 60 кредит) ёки камида 240 кредит (тўрт йиллик таълим дастури) тўплаши керак. Талаба ўқув йилида 60 дан ортиқ кредитларни ўзлаштириш ҳуқуқига эга. Бу ҳолда, ишчи ўқув дастурини муваффақиятли бажариш ва оралиқ аттестациядан ўтиш шарти билан ўқув муддати қисқартирилиши мумкин. Магистр академик даражасига эга бўлиш учун 1 йиллик таълим дастурида 60 кредит, икки йиллик таълим дастурида эса 120 кредит йиғиши лозим. Бу ерда магистрликка ўқиш муддатининг бакалаврга ўқиш давомийлигига боғлиқлигидан келиб чиқилади. Айрим таълим дастурлари доирасида жами 300 кредит асосида ҳам магистр даражасини ҳам бериш мумкин.

Болонъя жараёни қонун-қоидаларига кўра, талabalарга амалиёт ва амалиёт ўташ, синовларга тайёргарлик кўриш учун кредитлар бериш мажбурий ҳисобланади. Чунки муайян юкламага эга бўлган ўқув фоалиятида бажарилган ишни объектив равишда баҳолаш муҳимдир.

Шубҳасиз, кредитлар талабаларнинг кўп сонли манбаларни ўрганишини кўзда тутадиган лойиҳалар, рефератлар ва курс ишларини бажарганилиги учун берилиши керак. Чунки ушбу турдаги ишларнинг академик натижаси юқори ҳисобланади.

Кредит модулга асосланмаган таълим стандартларида кадрларни тайёрлашга кўп вақт сарфланади. Масалан, Манчестер университетида (Буюк Британия) бакалаврни тайёрлаш учун 3630 соатлик юклама етарли ҳисобланади. Бошқа таълим дастурларида эса, жумладан, гуманитар таълим соҳасида кадрлар тайёрлашга 7200 дан 7500 гача юкламалар белгиланган. Бу эса битта касбга икки стандарт асосида ёндашилаётганлигини кўрсатади.

Синов бирликларини ўқув жараёнига жорий этишда бир қатор жуда муҳим омилларни ҳисобга олиш лозим:

— бир семестр учун (1 семестр = 30 к.б.; 1 йил = 60 к.б.) максимал юклама ҳажмининг белгиланмаслиги ECTSнинг таянч (асосий) тамойили ҳисобланади.

— таълим дастурининг компонентлари ўртасида юкламани синов бирликларида тақсимлаш тамойиллари ва якуний ўқув натижаларининг шаффоғлиги.

Турли фанлар учун ўқув режасидаги юкламанинг ҳажми турлича бўлади ва кичик курс талабалари учун юкламанинг 1/3 қисми аудиторияга, 2/3 қисми эса аудиториядан ташқари фаолиятга ажратилади. Юқори (битирувчи) курс талабалари учун фанларни ўзлаштиришга сарфланадиган вақтнинг камиди 3/4 қисми мустақил тайёргарликка ажратилади.

Кредит бирликлари семестрларга тақсимланган фанларни ўзлаштириш орқалиҳар семестр учун ажратиладиган таълим траекториясини шакллантиришда ўқув режасидаги фанларни кодлаш орқали семестрлар бўйича талабаларнинг тахминий юкламалари белгиланади. Бунда, фанлар кодланиб, улар қуидаги тавсифланади: фан номи ва ундан сўнг учта рақам орқали ифодаланади. Масалан, фан номи (3:2:0):

1-рақам фанни ўзлаштириш учун ажратиладиган кредитларнинг максимал сонини билдиради;

2-рақам аудиторияда ишлаш учун ажратиладиган ҳафтадаги академик соатларни билдиради (маъruzалар, сўров, мунозаралар, намойишлар ва бунинг турли хил аралашмалари);

3-рақам амалий иш учун ажратиладиган ҳафтадаги академик соатлардаги юкламани англатади (лаборатория ва амалий машғулотлар, семинарлар, курс ва лойиҳа ишлари, чизма-график ишлар).

Бир академик соат 40-45 дақықаны ташкил этиши мүмкін. Таълим соҳаси ва фан хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, талабаларнинг контакт соатлари ва мустақил таълим юкламасини қўйидагича тақсимлаш мүмкін:

Ҳафтасига 1 соат маъруза + талабанинг 2 соат мустақил таълими (реферат тайёрлаш, график-ҳисоблаш иши, уй вазифалари ва б.) + семестр мобайнида ушбу фан бўйича ўқув ишларининг бошқа турлари;

2 соат амалий машғулоти + 1 соат мустақил таълим (реферат тайёрлаш, уй вазифаси, график ёки ҳисоблаш ишлари) + семестр мобайнида ушбу фан бўйича ўқув юкламасининг бошқа турлари;

2 соат лаборатория машғулоти + 1 соат мустақил таълим (реферат тайёрлаш, уй вазифаси, график ёки ҳисоблаш ишлари) + семестр мобайнида ушбу фан бўйича ўқув ишларининг бошқа турлари.

### **Кредитларни тақсимлаш схемалари**

Анъанавий равишда ўқув йили 30 ҳафта ёки 60 академик кредитни ташкил этади. Албатта, бу кўп жиҳатдан шартли характерга эга. Таълим дастурининг ўқув даври ва семестрларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, кредитларни тақсимлашнинг баъзи схематик вариантларини тавсия қиласиз.

**1-жадвал**

#### **Семестрли ёки триместрли тизим ва кредитларнинг умумий базавий сони бўйича тақсимот**

|       |    |   |    |    |    |     |
|-------|----|---|----|----|----|-----|
| 1-йил | 10 |   |    | 10 |    | 60  |
|       | 10 |   |    | 10 |    |     |
|       | 10 |   |    | 10 |    |     |
| 2-йил | 20 |   | 20 |    | 20 | 60  |
| 3-йил | 5  | 5 | 10 |    | 20 | 60  |
|       | 5  | 5 | 10 |    |    |     |
| Жами  |    |   |    |    |    | 180 |

2-жадвал

### Модулларга бўлинган кредитларнинг тақсимоти

|       |    |    |    |  |   |     |
|-------|----|----|----|--|---|-----|
| 1-йил | 20 |    |    |  |   | 60  |
|       | 10 |    | 10 |  |   |     |
|       | 15 |    |    |  | 5 |     |
| 2-йил | 20 |    |    |  |   | 15  |
|       | 25 |    |    |  |   |     |
| 3-йил | 10 | 10 |    |  |   | 20  |
|       | 10 | 10 |    |  |   |     |
| Жами  |    |    |    |  |   | 180 |

3-жадвал

### Ўзгарувчан модулларга асосланган кредитлар сони

|       |    |    |   |    |     |
|-------|----|----|---|----|-----|
| 1-йил | 16 |    |   |    | 60  |
|       | 11 |    |   |    |     |
| 2-йил | 9  |    |   |    | 60  |
|       | 7  |    |   |    |     |
|       | 17 |    |   |    |     |
| 3-йил | 23 |    |   |    | 60  |
|       | 9  |    | 8 |    |     |
|       | 13 |    | 7 |    |     |
| 4-йил | 5  | 14 |   |    | 60  |
|       | 8  | 11 |   | 22 |     |
| Жами  | 21 |    |   |    | 60  |
|       | 20 |    |   |    |     |
|       | 19 |    |   |    |     |
| Жами  |    |    |   |    | 240 |

## СЕМЕСТРЛАР МАЗМУНИГА ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Үқув жараёнини ташкил қилишда модулларга асосланган үқитиш амалиётiga амал қилинади ва үқитиладиган фанлар хусусиятига кўра семестрларга ажратиласди. Семестрлар кадрларга қўйиладиган талабларга мувофиқ шакллантириладиган компетенциялар модулларда ифодаланади. Бунда кадрга қўйиладиган компетенция талабларидан келиб чиқиб бутун ўқиш даври учун 5 ёки 6 та модуллардан иборат бўлади. Кредит-модуль тизимида назарий ва мустақил таълим соатлари меъёрларга мувофиқ белгиланган ҳолда, топшириқ мазмуни аниқ белгилаб олиниши лозим. Бунда фан доирасида олинган билимни амалий дарслар билан уйғун ҳолда кўникмага айлантириш ва амалиёт машғулотларида малакани шакллантиришга қаратиласди.

Зийллик таълим дастурига мувофиқ қўйидаги тартибда үқитиладиган фанлар мазмуни шакллантирилиши мумкин:

|   |                    |                                               |  |
|---|--------------------|-----------------------------------------------|--|
| 1 | Назарий таълим     | Назарий фанлар                                |  |
| 2 | Назарий таълим     | Назарий фанлар                                |  |
| 3 | Мутахассислик фани | Мутахассислик фани методологияси              |  |
| 4 | Мутахассислик фани | Мутахассислик фани методологияси              |  |
| 5 | 4-ҳафта амалиёт    | Лойиха тайёрланади ва амалиётта татбиқ қилади |  |
| 6 | БМИ                | Амалиётда танланган муаммо бўйича тайёрланади |  |

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Андреев А. Знания или компетенции? // Высшее образование в России. № 2, 2005.
2. Артемов А., Павлов Н., Сидорова Т. Модульно-рейтинговая система // Высшее образование в России. 1999.
3. Астафьева Н.В. Инновационное развитие экономических систем: теоретико-методологические основы / Н.В. Астафьева // Вестн. Сарат. гос. техн. ун-та. – Саратов, 2008. – № 1(30).
4. Байденко В. И. Выявление состава компетенций выпускников вузов как необходимый этап проектирования ГОС ВПО нового поколения: Методическое пособие. –М. 2006.
5. Байденко В.И. Болонский процесс: поиск общности Европейских систем образования (проект TUNING). –М. 2006.
6. Баум В. В. Система зачетных единиц (кредитов) как один из инструментов признания квалификаций, –М. РУДН, 2007. С. 12.
7. Блохин Н. В. Психологические основы модульного профес-сионально ориентированного обучения: Методическое пособие / Н. В. Блохин, И. В. Травин. Кострома, 2003.
8. Богословский В.А., Караваева Е.В., Максимов Н.И., Сазонов Б.А., Салецкий А.М., Тихомиров В.В. Предложения по дальнейшему развитию системы классификации и стандартизации высшего профессионального образования в России. –М. 2005.
9. Болонская конвенция // НГТУ Информ. 2002. N 8(114).
10. Болонский процесс между Прагой и Берлином: отчет для министров образования стран – участников Болонского процесса, Берлин, 2003.
11. Болонский процесс: Результаты обучения и компетентностный подход (книгаприложение 1) / Под. науч. ред. д-ра пед. наук, профессора В.И. Байденко. –М. Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2009. – 536 с.
12. Болонскому процессу в России быть! или казаться? // Деловой мир, 18.12.2007.
13. ECTS Users Guide, Brussels, 2015/ [https://ec.europa.eu/education/sites/education/files/document-library-docs/ects-usersguide\\_en.pdf](https://ec.europa.eu/education/sites/education/files/document-library-docs/ects-usersguide_en.pdf)
14. The framework of qualifications for the European Higher Education Area <http://www.ond.vlaanderen.be/hogeronderwijs/bologna/documents/QF-EHEA-May2005.pdf>
15. Background report: A Framework for Qualifications of the European Higher Education Area, Ministry of Science, Technology and Innovation, 2005

[http://www.ond.vlaanderen.be/hogeronderwijs/bologna/documents/050218\\_QF\\_EHEA.pdf](http://www.ond.vlaanderen.be/hogeronderwijs/bologna/documents/050218_QF_EHEA.pdf)

16. Recommendation of the European Parliament and of the Council of 23 April 2008 on the establishment of the European Qualifications Framework for lifelong learning <http://eurlex.europa.eu/LexUriServ/LexUriServ.do?uri=O-J:C:2008:111:0001:0007:EN:PDF>

17. Tuning Educational Structures in Europe (2007) [http://tuning.unideusto.org/tuningeu/images/stories/template/General\\_Brochure\\_final\\_version.pdf](http://tuning.unideusto.org/tuningeu/images/stories/template/General_Brochure_final_version.pdf)

18. National Correspondents for Qualifications Frameworks Meeting (5 September 2019) <https://www.coe.int/en/web/education/qualificationsframeworks>

## МУНДАРИЖА

|                                                                             |    |
|-----------------------------------------------------------------------------|----|
| Кириш.....                                                                  | 3  |
| Асосий тушунчалар.....                                                      | 5  |
| Кредит-модуль тизимининг аҳамияти.....                                      | 7  |
| Кредит-модуль тизими талабанинг фаоллиги ва мобиллик воситаси сифатида..... | 11 |
| Кредит-модуль тизимини жорий этиш хусусиятлари.....                         | 12 |
| Кредит-модуль тизимига ўтиш тажрибаси .....                                 | 19 |
| Кредитларни тақсимлаш схемалари.....                                        | 21 |
| Семестрлар мазмунига қўйиладиган талаблар .....                             | 23 |
| Фойдаланилган адабиётлар.....                                               | 24 |

ҚАЙДЛАР УЧУН

---

*Услубий нашр*

**ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ КРЕДИТ-МОДУЛЬ  
АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ**

*Методик қўлланма*

Муҳаррир  
А.Тилавов

Мусаҳҳиҳ  
А.Абдужалилов

Саҳифаловчи  
О.Исмайлов

Техник муҳаррир  
Н.Мирпўлатова

Нашлиц. № АI 245, 02.10.2013.

Теришга 09.01.2023 йилда топширилди. Босишига  
18.01.2023 йилда рухсат этилди. Бичими: 84x108 1/32.  
Офсет босма. "Latto" гарнитураси. Шартли б.т. 1,47.  
Нашр б.т. 0,875. Адади 250 нусха. Буюртма №102.  
Баҳоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,  
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Go To Print» XК босмахонасида босилди.  
Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-үй.  
Телефон: 71 228-07-96, факс: 71 228-07-95



# ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ КРЕДИТ-МОДУЛЬ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ



ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАД҆ҚИҚОТЛАРИ ВА  
ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТИҚИК ЭТИШ МАРКАЗИ

ISBN 978-9943-7215-1-7

97899431721517